



Андижон вилояти ҳокимлиги расмий портали

Олтинкўл тумани

ОЛТИНКЎЛ ТУМАНИ ҲАҚИДА

Андижон вилоятидаги туман. 1939 йилда ташкил этилиб, 1963 йилда Андижон туманига қўшилган. 1978 йилда эса қайтадан ташкил қилинган. Андижон, Асака, Шахрихон ва Балиқчи туманлари билан чегарадош. Майдони 0,21 минг км². Аҳолиси 134,5 минг киши. Олтинкўл туманида 8 қишлоқ фуқаролар йиғини (Жалабек, Кўмакай, Маслахат, Олтинкўл, Оразий, Охунбобоев, Сувюлдуз, Ўўштепасарой) бор. Маркази — Олтинкўлкишлоғи.

Табиати: Олтинкўл тумани релефи пасттекислик, қир ва адирлардан иборат. Иқлими кескин континентал. Июлнинг ўртача ҳарорати 25° январики минус 5° 7 даража атрофида. Айрим ҳолларда ёз ойларида ҳарорат 42° даражани, январда эса минус 15° 18 даража совуқ бўлиши кузатилади. Вегетация даври 160 кун. Йилига ўртача 225 мм ёғин тушади. Олтинкўл тумани жанубида Катта Фарғона канали, шимолтомонидан Ўорадарё, булардан ташқари туман худудидан туманлараро Коллектор - Асака ташламаси, Улуғнор канали оқиб ўтади. Туман адир қисмининг тупроғи арзиққолган ерларда бўз тупроқ. Баҳорда адирлар эфемер ўсимликлар билан қопланади. Экин экилмайдиган ерларда шувоқ, шўра ўсади. Ёввойи хайвонлар кам учрайди, судралувчилар, кемирувчилар, қушлар бор.

Аҳолисининг аксари қисми ўзбеклар; рус, тожик, уйғур, татар ва бошқа миллат вакиллари ҳам бор. 1 км² га 607 киши тўғри келади.

ОЛТИНКЎЛ ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ

Ҳокими: Каримов Бахтимурод

Иш вазифаси: Туман ҳокими туманда олий мансабдор шахс бўлиб, айна бир вақтда худудда вакиллик ва ижроия ҳокимиятини бошқаради. Ўз ваколатларини яққабошчилик асосида амалга оширади. Туман ҳокими Ўзбекистон Р еспубликаси Конституцияси, «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ва вилоят ҳокими қарорлари билан белгиланган ваколатлар доирасида ижроия ҳокимияти фаолиятини ташкил этади.

Телефонлар: 0 (374) 354-60-41 Факс: 0 (374) 354-61-41

Манзил: 171100, Олтинкўл тумани, Марказ кўчаси, 1 уй

Иш кун вақти ва тартиби: 09:00-18:00 // Обед 13:00 дан 14:00 гача

 oltinkol.t@exat.uz  [e-mailoltinkol@andijan.uz](mailto:oltinkol@andijan.uz)

Мурожаатлар учун: 0(374) 354-61-41  ИШОНЧ ТЕЛЕФОНИ: 0(374) 354-70-12

WEB SITE: www.oltinkol.andijan.uz

ОЛТИНКЎЛ ТУМАН ҲОКИМИНИНГ ҚАРОРИ НИЗОМИ